



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IQTISODIY TARAQQIYOT
VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VAZIRLIGI HUZURIDAGI
“LOYIHALAR VA IMPORT KONTRAKTLARINI KOMPLEKS EKSPERTIZA QILISH MARKAZI”
DAVLAT UNITAR KORXONASI**

2022-yil 12 январь № М/01-06/11-123 100084, Toshkent, Amir Temur shoh ko‘chasi, 107-B

**Хоразм вилояти хокимлигининг
“Ягона буюртмачи хизмати”
инжиниринг компанияси**

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (кейинги ўринларда - Марказ) Сизнинг 2022-йил 5-январдаги 07/03-сон хатингизни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Юқоридаги хатга асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 17-сентябрдаги 132-сонли Раёсат мажлиси баёнининг 8-бандига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 11-мартдаги ПФ-6186-сон Фармонига мувофиқ хатда келтирилган объектларни жадаллаштириш мақсадида истиско тариқасида, танлов (тендер) савдаларини ўтказмасдан энг мақбул таклифларни танлаб олиш орқали бош лойиҳа ва бош пудрат ташкилотларини белгилашга рухсат беилганлиги келтирилган. Шунга кўра, имзоланган пудрат шартномаларни Марказда комплекс экспертизадан ўтказиб бериш сўралган.

Ўз ўрнида, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) (кейинги ўринда - Қонун) қабул қилинган бўлиб, мазкур 71-моддасига мувофиқ, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат харидини **тўғридан-тўғри шартнома асосида** амалга оширишга рухсат берилса, шартнома ва шартномага оид қўшимча келишувлар Марказда комплекс экспертизадан ўтказилиши белгиланган.

Шунга кўра, хатда келтирилган шартномалар тўғридан-тўғри шартнома асосида эмас, балки рақобатлашув муҳитида имзоланганлигини инобатга олиб ушбу шартномалар Марказда комплекс экспертизадан ўтказилмаслигини маълум қиламиз.

Директор

М. Аллаберганов